

Умаров З.А. – ТМИ, кафедра  
мудири, и.ф.н.

## **ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КРЕДИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Мақолада тижорат банкларининг кредит операцияларини ҳисобга олиш жараёни тадқиқ қилинган.

**Таянч сўзлар:** кредит, тижорат банки, бухгалтерия ҳисоби, ҳисобварак, фоиз, муддати ўтган кредит, кредитнинг қайтарилиши.

В статье рассматривается процесс учёта кредитных операций коммерческих банков.

**Ключевые слова:** кредит, коммерческий банк, бухгалтерский учёт, счёт, процент, просроченные кредиты, возврат кредита.

In the article the accounting process of credit operations of commercial banks reviewed.


**Keywords:** loan, commercial bank, accounting, ledger, percentage, overdue loan, loan repayment.

Ўзбекистон тижорат банклари фаолиятини узлуксиз назорат қилишни ва уларни самарали бошқариш учун зарур маълумотлар базасини вужудга келтирувчи бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг услубий асосларини такомиллаштиришни талаб этади.

Олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишлардан бири [1] бўлиб, иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштириш ҳисобланади. Бунда банк тизимини ислох қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Ҳар қандай иқтисодий фаолиятдагидек тижорат банкларининг фаолияти ҳам мавжуд маблағларни энг кам риск асосида жойлаштириб, юқори даромад олиш имкониятига эга бўлишни кўзда тутди. Банкнинг анъанавий ва асосий даромад келтирувчи йўналишларидан ҳисобланган кредитлаш амалиёти ҳамда уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тизими бугунги кундаги банкларнинг асосий эътибор қаратилиши зарур бўлган соҳаси ҳисобланади.

Кредитлар банк активлари таркибида асосий ўринни эгаллайди. Банкларнинг кредит операциялари орқали иқтисодийда маблағларга эҳтиёж сезаётган соҳалар кредитланади. Кредит такрор ишлаб чиқариш жараёнини тезлаштиради ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлайди.



**1-расм. Тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг динамикаси (трлн. сўм ҳисобида)\***

\*Манба: [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Иқтисодиётга банклар томонидан ажратилган кредитлар қолдиғи охириги беш йилда 2,6 баробарга кўпайиб, 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 53,4 трлн. сўмни ташкил этган (1-расм). Кредитнинг сўнгги беш йил давомида ўртача ўсиш даражаси 27,2 фоизни ташкил этди.

Ажратилган кредитларнинг 85,8 фоизи ички манбалар ҳисобига берилган бўлиб, ташқи қарзлар асосан узоқ муддатга, асосан иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб қилинмоқда.

*1-жадвал*

**Тижорат банкларининг жами активлари таркибида кредит қўйилмалари салмоғининг динамикаси (млрд. сўм ҳисобида)\***

№	Кўрсаткичлар	2012	2013	2014	2015	2016	2016 й.да 2012 й.га нисбатан ўзгариши
1	Тижорат банкларининг жами активлари	35,7	43,9	56,2	65,2	80,4	+44,7
2	Тижорат банкларининг жами кредит қўйилмалари	20,4	26,5	34,8	42,7	53,4	+33,0
3	Кредитларнинг активлардаги улуши % да	57,1	60,5	61,9	65,5	66,4	+9,4

\*Манба: [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики тижорат банклари жами активлари ва берган кредитлари 2016 йилда ўтган йилларга нисбатан ошган. Кредитларнинг активлар таркибидаги салмоғи 2016 йилда 66,4 фоизни ташкил этиб, 2012 йилга нисбатан 9,4 фоизга кўпайган. Бу албатта ижобий ҳолат ҳисобланади. Кредит rischi нуқтаи назарда олганда ижобий деб баҳоласак бўлади. Аммо кредитлаш бу банкларнинг асосий фаолияти ҳисобланганлиги ва даромадининг асосий қисмини ташкил қилганлиги сабабли унинг салмоғини 70-75 фоизга етказилса мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ҳар қандай банк ҳам ўзининг активларини мукамал таркибий тузилишини

шакллантиришдан манфаатдор бўлади ва уни шакллантиришда маълум бир қийинчиликларга дуч келади. Бундан ташқари активларнинг таркибий тузилишида банкнинг қайси мамлакатда фаолият кўрсатишига қараб кўпгина миллий хусусиятларини ҳам ўзида акс эттиради.

	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 17 декабрда № 1435-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида кредитларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом.
Тижорат банкларида кредит операциялар ҳисобини юритиш учун асос бўлган меъёрий ҳужжатлар	Банкларнинг активлари бўлган кредитлар Тижорат банклари томонидан активлар сифатини таснифлаш, улар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар ташкил қилиш ва уларни ишлатиш тартиби тўғрисида Низом (рўйхат рақами 2696, 2015 йил 14 июль) талабларига мувофиқ таснифланади.
	Ҳоизларни ўстирмаслик мақоми берилган кредитларнинг бухгалтерия ҳисоби Ҳоизларни ўстирмаслик тўғрисида Низом (рўйхат рақами 1304, 2004 йил 24 январь)га мувофиқ амалга оширилади.
	Ҳоизларни ҳисоблаш, кредитлар бўйича ундирилмаган ҳоизларни бекор қилиш ҳам инобатга олинган ҳолда “Тижорат банкларида ҳоизларни ҳисоблаш тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами 1306, 2004 йил 30 январь)га мувофиқ амалга оширилади.
	Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси 773-17
	ва бошқа меъёрий ҳужжатлар

## **2-расм. Тижорат банкларида кредит операциялар ҳисобини юритиш учун асос бўлган меъёрий ҳужжатлар\***

*\*Манба: муаллиф томонидан тайёрланди.*

2-расмдан кўриниб турибдики банк томонидан берилган кредитлар ҳисоби Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 17 декабрда № 1435 сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида кредитларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом ва бошқа Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига асосан ташкил этилган.

Банкларда кредитлар ҳисобини ташкил қилишда бухгалтерия ҳисобида умумқабул қилинган тамойиллардан фойдаланилади, жумладан: бухгалтерия ҳисобини икки ёқлама ёзув усули юритиш; узлуксизлик; хўжалик операциялари, активлар ва пасивларни пулда баҳоланиши; аниқлик; ҳисоблаш; олдиндан кўра билиш (эҳтиёткорлик); мазмуннинг шаклдан устунлиги; кўрсаткичларнинг қиёсланувчанлиги; молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги; ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мувофиқлиги; активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоланиши.

Кредит операцияларни ҳисобга олиш учун кредит ҳисобварақларидан ва балансдан ташқари ҳисобварақларидан фойдаланилади.

МҲХС ларига асосан бухгалтерия ҳисобида банк томонидан берилган кредит амалдаги қийматида акс этирилади ва у қарздорга берилган пул маблағлари суммасини ифодалайди.

Тижорат банкларида кредит операцияларини ҳисобга олиш жараёнини бир неча босқичга бўлиш мумкин:

1. Кредит беришдан олдин амалга ошириладиган жараён ҳисоби. Бунда бухгалтерия ходими кредит операцияларини ҳисобга олиш учун зарур бўлган ҳисобварақларни очади, кредит бериш мажбуриятларини, таъминотни ҳисобга олади.

2. Кредит бериш жараёни ҳисоби. Ушбу жараёнда банк кредит шартномасида келишилган суммани маблағ олувчи ҳисобварағига ўтказиб беради, кредит шартномаси шартларини, муддатли мажбуриятномаларни ҳисобга олади.

3. Кредитни қайтариш жараёни ҳисоби. Бунда берилган кредит бўйича фоизлар ҳисобланади ва ундирилади, кредит қайтарилади, муддатли мажбуриятномалар ҳисобдан чиқарилади, яхши кредитлар бўйича захиралар яратилади ва ҳисобга олинади, тўлиқ қопланган кредитлар бўйича таъминот ҳисобдан чиқарилади.

4. Муаммоли кредитларни қайтариш жараёни ҳисоби. Ушбу жараёнда банкда муаммоли кредитлар бўйича захиралар яратилади ва ҳисобга олинади, фоиз ўстирмаслик мақоми берилган кредитлар бўйича фоизлар ҳисоб-китоб қилинади ва ҳисобга олинади, суд жараёнидаги кредитлар ҳисоби олиб борилади ва ҳоказо.

Ҳозирги кунда тижорат банкларида кредит операцияларини ҳисобга олиш жараёнларида мавжуд бўлган айрим муаммоларга тўхталиб ўтсак.

Хўжалик юритувчи субъектлар ҳозирги кунда республикамизнинг турли хил ҳудудларида фаолият олиб бормоқда ва ўзига қулай бўлган тижорат банклари хизматларидан фойдаланиб, иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари очилган банклардан кредит олмоқда.

Тижорат банклари томонидан мазкур кредитлар ўз вақтида қайтарилмаса Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида”ги 2465-сонли низомга мувофиқ маблағларни тўловчининг асосий ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи банкка — маблағларни тўловчининг кредитлар бўйича қарзлари ўз вақтида сўндирилмаган қисмига акцептсиз тўлов талабномасини қўйиш орқали ундириб олмоқда [2]. Лекин бу фақат кредитнинг асосий қисмига тааллуқли бўлиб, ҳисобланган фоизлар бундан мустасно.

Шу сабабли 2465-сонли низомнинг 56-банди 2-қисмига ўз муддатида тўланмаган фоизларни ундиришни ҳам қўшиб қўйилса, шунингдек, иккиламчи ҳисобварақлардан берилган кредитларни ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни ундириш учун акцептсиз тўлов талабномаларни электрон шаклда тақдим этиш амалиёти жорий қилинса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Кредит операциялар ҳисобида кредитнинг қайтарилиб берилиши муҳим ҳисобланади ва муддати ўтган қарздорликнинг мавжудлиги кредитлаш жараёнида муаммолар борлигидан далолат беради.

*2-жадвал*

**Банк кредитларининг таркиби ва асосий хусусиятлари\***

Кўрсаткичлар	2015 йил		2016 йил		Ўзгариши	
	млн. сўм	улуши %да	млн. сўм	улуши %да	млн. сўм	улуши %да
1. Кредит ва лизинг, жами	29693208	100	39590914	100	9897706	33,3
шу жумладан: - муддати ўтган қарздорлик	827997	2,79	954511	2,41	126514	15,3
2. Корхона ва ташкилотларга берилган кредит ва лизинг	23119377	77,86	30660128	77,44	7540751	32,6
шу жумладан: - муддати ўтган қарздорлик	811360	2,73	933004	2,36	121644	15,0
3. Банкларга берилган кредитлар	564	0	7421	0,02	6857	1215,8
шу жумладан: - муддати ўтган қарздорлик	0	0	0	0	0	0,0
4. Давлат органларига берилган кредитлар	5399	0,02	0	0	-5399	-100,0
шу жумладан: - муддати ўтган қарздорлик	258	0	77	0	-181	-70,2
5. Жисмоний шахсларга берилган кредитлар	65869	22,12	8923365	22,54	8857496	13447,1
шу жумладан: - муддати ўтган қарздорлик	16379	0,06	21431	0,05	5052	30,8

*\*Манба: “Ahbor Reyting” рейтинг компаниясининг № 46 таҳлилий шарҳи маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.*

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики тижорат банклари томонидан берилган кредит ва лизинглар 2016 йилда 39590914 млн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 9897706 млн. сўмга кўпайган. Муддати ўтган қарздорлик 2016 йилда 954511 млн. сўмни ташкил этиб, суммар ва фоиз жиҳатдан ўсган, лекин улуши жами берилган кредитларга нисбатан 2,41 фоизни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан камайган. Банклар томонидан берилган кредитлар таркибида энг юқори улушга корхона ва ташкилотларга берилган кредитлар ҳисобланади. Муддати ўтган кредитлар ҳам айнан мана шу кредитларга тегишлидир.

Муддати ўтган кредитларни қайтаришда кафил бўлган корхона ва ташкилотлар томонидан уларнинг қопланиши муҳим аҳамият касб этади. Бу Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 17 декабрда № 1435-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида кредитларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан амалга оширилиши лозим.

Дт – Кафолат берувчи (кафил) талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи, ёки

Дт 10301 – Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи – Ностро (агар олувчига бошқа тижорат банки хизмат кўрсатса)

Кт – кредит ҳисобварағи [3]

Лекин ушбу бухгалтерия ўтказмаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан 2012 йил 15 мартда рўйхатдан ўтказилган “Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида”ги 2342-сонли йўриқнома талабларига мос эмас. Сабаби қарздорнинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағида маблағ етарли бўлмаганда 2-сон

картотекага қабул қилинади ва барча ҳисоб-китоблар айнан мана шу ҳисобварақ орқали амалга оширилиши лозим [4].

Агар кафил кредит бўйича ўз мажбуриятларини 1435-сонли низом асосида бажарса, кўпчилик ҳолатларда давлат солиқ инспекцияси томонидан кўйилган инкассо топшириқномаларини ижро этилмаганлиги сабабли тижорат банклари жарималарга тортилишига олиб келмоқда. Шу сабабли 2342-сонли йўриқноманинг 1-илоvasида келтирилган “Қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирув қаратилмайдиган банк ҳисобварақлар” рўйхатига кафиллар томонидан кредитни ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни қайтариш бўйича фойдаланилаётган ҳисобварақларни киритиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда тижорат банкларида берилган кредитларнинг бухгалтерия ҳисобини тўғри юритиш, муддати ўтган кредитларни ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш ва ҳисобга олиш ўз долзарблигини йўқотмайди.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони 2017 йил 7 февраль

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида”ги 2465-сонли низом, 2013 йил 3 июнь

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларида кредитларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида”ги 1435-сонли низом, 2004 йил 17 декабрь

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг “Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида”ги 2342-сонли йўриқнома, 2012 йил 15 март